

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ОДИЛОВ АКМАЛЖОН ОДИЛОВИЧ

**КАНИТАЛ БОЗОРИ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЁТГА
ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Одилов Акмалжон Одилович

Капитал бозори орқали иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишни
ривожлантириш йўллари.....3

Одилов Акмалжон Одилович

Пути развития привлечения инвестиций в экономику через рынок капитала... 27

Одилов Акмалжон Одилович

Ways to develop investment in the economy through the capital market.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....56

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ОДИЛОВ АКМАЛЖОН ОДИЛОВИЧ

**КАПИТАЛ БОЗОРИ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЁТГА
ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Филозоф доктор (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 2021 йил 17.12.2021 йили рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация авторферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-сайтида (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Атаниязов Жасурбек Хамидович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Жумаев Нодир Хосиятович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Комолов Одил Сайфиддинович
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш
вазирлиги қошидаги “Бизнес ва тадбиркорлик олий
мактаби”

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» 12 кuni соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (246 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация авторферати 2021 йил «17» 12 кuni тарқатилди.
(2021 йил «17» 12 даги 62 рақамли реестр баённомаси).



Handwritten signature in blue ink.

Т.З.Тешабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Handwritten signature in blue ink. **Ф.К.Холмамаатов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, иқтисодиёт фанлари
бўйича фалсафа доктори, (PhD), доцент

Handwritten signature in blue ink. **И.В.Қўзиев**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда халқаро молия тизимига интеграциялашувнинг кучайиши унинг халқаро капитал бозорига киришига ҳамда халқаро молия бозорларида фаол иштирокчи сифатида халқаро рейтинг даражасини оширишда капитал бозори муҳим функционал вазифаларни бажаради. Бу эса, ўз навбатида халқаро капитал бозорларидан иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишга ҳамда унинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда. «Хусусан, ривожланаётган мамлакатлар (Emerging Markets) капитал бозори орқали 2010-2018 йилларда жами қиймати 4,2 трлн. АҚШ долларига тенг хорижий облигациялар чиқарган ҳолда халқаро капитал жалб қилган. Шундан, суверен эмитентлар 1,1 трлн. АҚШ доллари, корпоратив эмитентлар 1,8 трлн. АҚШ доллари ва банк-молия институтлари 1,3 трлн. АҚШ доллар»¹ига тенг маблағни жалб қилган. Жаҳон тажрибасидан намоён бўлмоқдаки, иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишда капитал бозори муҳим аҳамиятга эга ҳамда глобаллашув жараёнида мазкур масаланинг долзарблигини янада оширмоқда.

Жаҳон амалиётида капитал бозори орқали иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларда капитал бозорини бугунги шиддатли ўзгарувчан бозор иқтисодиётига уйғун равишда ривожлантириб бориш борасида фикр-мулоҳазалар юритилмоқда ҳамда узлуксиз равишда такомиллаштирилмоқда. Капитал бозори фаолиятини самарали ташкил қилиш, жаҳон фонд биржаларда иштирок этиш орқали инвестицияларни жалб қилиш, жалб этилган маблағлардан самарали фойдаланиш ва инвестицион жозибадорликни шакллантиришга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар шулар жумласидандир. Аммо, капитал бозори орқали иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишни ривожлантиришга қаратилган жиҳатлар ханузгача ўз илмий ечимини тўлалигача топмаган.

Ўзбекистонда бошланган иқтисодий ислохотлар натижасида инвестицион муҳитни яхшилаш ва бу билан иқтисодиётнинг барча тармоқларига хорижий ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш орқали иқтисодиётга давлат аралашувини камайтиришда капитал бозоридан унумли фойдаланишга эътибор кучайтирилган. «Капитални жалб қилиш ҳамда корхоналар, молия институтлари ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришнинг муқобил манбаи сифатида фонд бозорини ривожлантириш ҳамда халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молия институтлари билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш»² орқали капитал

¹<http://datatopics.worldbank.org/world-development-indicators/themes/economy.html#growth-and-structure-> Жаҳонбанкнинг ҳисобот маълумотлари таҳлили

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

бозорининг инвестицион жозибадорлигини яхшилаш ва бунинг натижасида иктисодиётга инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш мақсад қилинган. Бунда, капитал бозорини ривожлантириш учун ўрта ва узок муддатли даврга мўлжалланган стратегия ва йўл хариталари ишлаб чиқиш зарур. Чунки бугунги кунда Ўзбекистонда «капитал бозорининг капиталлашуви ЯИМнинг 1 фоизга тенг»³ ва бу кўрсаткич ривожланаётган ҳамда ривожланган давлатлар билан солиштирилганда кескин паст кўрсаткич ҳисобланади. Бу эса, ўз ўрнида инвесторларнинг мамлакат капитал бозорига қизиқишининг паст бўлишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам капитал бозори орқали иктисодиётга инвестицияларни жалб қилишни ривожлантиришни чуқур илмий тадқиқ этиш орқали мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу эса мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини ифода этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилнинг 13 апрелдаги ПФ-6207-сон «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йилнинг 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 11 февралдаги ПФ-6167-сон «Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 31 январдаги ПҚ-4141-сон «Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини чиқаришни ташкиллаштириш ва суверен кредит рейтингини сақлаб туриш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 2 апрелдаги ПҚ-4258-сон «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 358-сон «Фонд биржасида акцияларнинг бирламчи ва иккиламчи оммавий таклифини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожлантиришининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро ва миллий капитал бозорлари ривожланишининг хусусиятлари ва ушбу бозорлар ривожланиши билан боғлиқ муаммолар ҳамда капитал бозори орқали иктисодиётга инвестицияларни жалб қилиш масалалари хорижий олимлар Г.Марковиц, У.Шарп, У.Мертон, Д.Сигел, Ф.Мишкин, А.Дамодаран, Я.Миркин, Б.Рубцов, А.Витченко, А.Абгарян, Л.Борлакова, В.Иванова, М.Касимова сингари бир

³ <https://kun.uz/news/2020/12/25/ozbekistonda-kapital-bozori-kapitallashuvi-yaimning-1-foiziga-teng>

қанча олим ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилган ва бу тадқиқотларнинг натижалари уларнинг асарлари ва илмий ишларида акс эттирилган⁴.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан И.Л.Бутиков, Ш.Ш.Шохаъзамий, М.Б.Хамидулин, Р.Х.Карлибаева, С.Э.Элмирзаев, Ж.И.Каримкулов, Ф.Т.Мухамедов, Х.А.Қурбонов, К.Х.Акрамов, Д.Б.Бегматова, Б.К.Сагтаров, У.Р.Халиков, Х.Х.Худойкулов, Ж.Ж.Қурбонов, Н.Р.Турсунова, Қ.Р.Чинкулов⁵ ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида мазкур масаланинг алоҳида муҳим жиҳатлари ўз аксини топган.

Юқорида номлари келтирилган олимлар ўз илмий изланишларида капитал бозори, фонд бозорининг айрим жиҳатларини тадқиқ этган бўлсаларда, айнан иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишда капитал бозорининг аҳамиятини тадқиқот объекти сифатида ўрганмаганлар. Мазкур ҳолатлар ушбу диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот

4 Markowitz H.M. Portfolio Selection. New Haven, Conn.: Yale University, Press 1959.; Sharpe W.F. Simplified Model of Portfolio Analysis//Management Science. January 1963.; Боди З., Мертон Р. Финансы.: Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2005. – 347 с.; Сигел Дж. Долгосрочные инвестиции в акции. 4-е изд. – СПб.: Питер, 2010. – 416 стр. ; Frederic S. Mishkin Economics of Money, Banking, and Financial Markets (10th Edition) Prentice Hall, 2012 p. 720.; Aswath Damodaran Applied Corporate Finance 4th Edition Wiley, 4 edition, 2014, p 656.; Миркин Яков Моисеевич Российский рынок ценных бумаг: Влияние фундаментальных факторов, приоритеты и механизм развития. Дисс. д.э.н., – М., 2003.; Рубцов Борис Борисович Мировые фондовые рынки: Проблемы и тенденции развития. Дисс. д.э.н., – М., 2000.; Витченко, Алексей Борисович Фондовый рынок как механизм привлечения инвестиций в российской экономике. Дисс. к.э.н., – М., 2007.; Абгарян А.А. Развитие российского рынка акционерного капитала в современных условиях. Дисс. к.э.н., – М., 2015.; Борлакова Л.А. Влияние ПРО на конкурентоспособность российских компаний. Автореф. к.э.н., – М., 2013.; Иванова В. Рынок капиталов: сущность, содержание и его место в системе рыночных отношений // Фундаментальные исследования - 2016.; Касимова М. Современные финансовые рынки: Монография. - М.: Проспект, 2014 г.

⁵ Бутиков И.Л. Проблемы формирования и функционирования рынка ценных бумаг в Узбекистане: Дисс...д.э.н. – Т., 2009 г.; Шохаъзамий Ш.Ш. Системное развитие рынка ценных бумаг в регулятивной взаимосвязи с реальной экономикой/Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2012. – 448 с.; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Дисс...д.э.н. – Т., 2008.; Карлибаева Р.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўллари: дисс. автореферати. и.ф.д. – Тошкент, 2018. – 14 б.; Элмирзаев С.Э. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини такомиллаштириш. и.ф.д. диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2017. 64 б.; Каримкулов Ж.И. Ўзбекистон иқтисодиётида қимматли қозғалар бозори ролини ошириш йўллари: и.ф.н. ил. даража. олиш учун тақдим этилган дисс. Автореферати – Тошкент, 2012.-20 б.; Мухамедов Ф.Т. Ўзбекистонда қимматли қозғалар бозори савдо тизимларини ривожлантириш йўналишлари. 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» иқтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. ТМИ, Тошкент-2019 й.; Курбанов Х.А. Корпоративные финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2007. –184 с.; Акрамов К.Х. Совершенствование финансового обеспечения модернизации акционерных предприятий посредством ценных бумаг. Автореф...к.э.н. – Т., 2011.; Бегматова Д.Б. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқаруving самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш. Иқт. фан. бўй. фал. док. (PhD)...автореф. – Т., 2017.; Сагтаров Б.К. Ўзбекистонда ипотека қимматли қозғалари бозорини шакллантириш йўллари. Автореф...и.ф.н.-БМА. 2012.; Халиков У.Р. Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. и.ф.д. (PhD) автореф. – Т., 2017.; Худойкулов Х.Х. Фонд бозори активларини баҳолаш механизмининг такомиллаштириш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати – Тошкент, 2018. - 24 б.; Қурбонов Ж.Ж. Давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш истикболлари. и.ф.д.(PhD) диссертацияси автореферати – Т.: БМА, 2019. 50 б.; Турсунова Н.Р. Корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш йўллари и.ф.д.(PhD) диссертацияси автореферати –Т.: 2019. 52 б.; Чинкулов Қ.Р. Акциядорлик жамиятларини корпоратив қимматли қозғалар орқали молиялаштиришни такомиллаштириш и.ф.д.(PhD) диссертацияси автореферати – Т, 2019. 66 б.

ишлари режасига мувофиқ «Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади капитал бозори орқали иқтисодийга инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

капитал бозори орқали иқтисодийга инвестицияларни жалб қилишни ривожланишининг илмий ва назарий асослари аниқлаш;

иқтисодийга инвестицияларни жалб қилишда капитал бозори таркиби ва унинг бозор муносабатларидаги ролини тадқиқ этиш;

капитал бозорини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш асосида мамлакатимиз капитал бозорини самарали ташкил қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

миллий иқтисодийда қарз капитали бозорини ривожлантириш ҳолати ва динамикасини таҳлил қилиш ва тегишли ҳулосалар шакллантириш;

капитал бозори таркиби бўгинлари тизимида қимматли қоғозлар бозорининг ролини таҳлил қилиш асосида таклифларни шакллантириш;

ҳудудлар ва иқтисодий тармоқларига қимматли қоғозлар бозори орқали кириб келган инвестициялар таҳлил қилиш;

иқтисодийга қимматли қоғозлар орқали инвестицияларни жалб қилишдаги мавжуд муаммоларни ўрганиш;

капитал бозори орқали миллий иқтисодийга жалб этиладиган инвестицияларни ошириш йўллари аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон капитал бозори орқали иқтисодийга инвестицияларни жалб қилиш амалиёти олинган.

Тадқиқотнинг предмети капитал бозори орқали иқтисодийга инвестицияларни жалб қилишни ривожлантиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаштириш, абстракт-манتيкий фикрлаш, истикболли прогнозлаштириш, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хусусийлаштириш жараёнларини асосан маҳаллий капитал бозорида амалга ошириш мақсадида чет элда листингни фақат қўшалок листинг (dual listing) билан рухсат этиш таклиф этилган;

биржавий инвестиция фондлари (Exchange traded funds)ни олтинга боғлаш орқали (Gold ETF) эмитентлар сонини кўпайтириш, янги молиявий маҳсулотлар ва корпоратив бошқарув жараёнини оптималлаштириш таклиф этилган;

фонд бозори иштирокчилари таркибини кенгайтириш ва республика иқтисодийга бўш маблағларни жалб қилишга эришиш мақсадида корпоратив

облигацияларни чиқариш учун таъминот талабини бекор қилишни жорий этиш таклиф этилган;

фонд бозори иштирокчилари таркибини кенгайтириш мақсадида давлат рўйхатидан ўтказилмайдиган биржавий облигациялар (commercial paper) савдосини жорий этиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

капитал бозори амал қилишининг тамойиллари ёритиб берилган ва умумлаштирилган, ушбу бозорнинг ҳозирги замондаги ўзига хос хусусиятлари ҳамда молиявий инфратузилмаси тизимлаштирилиб, бозорнинг тушунчавий аппарати аниқлаштирилган;

капитал бозори орқали инвестицияларни жалб қилиш усулларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар асосланган;

капитал бозори орқали инвестицияларни жалб қилишнинг ривожлантириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган ва молиявий ресурсларни жалб қилиш самарадорлиги бўйича амалий ёндашувлар асосланган;

Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларга бўлган талабни ички капитал бозори томонидан етарли таъминланмаётганлиги аниқланган ва ушбу муаммонинг тезкор ечимларидан бири халқаро капитал бозорлари билан молиявий муносабатларни ривожлантириш таклифи асосланган;

Ўзбекистонда қимматли қозғалар бозори етарли даражада ривожланмаганлиги ва бу корпоратив сектор томонидан молиявий ресурсларни жалб қилишда айрим муаммоли жиҳатларни келтириб чиқарганлиги, шунингдек, иқтисодиётнинг ушбу секторида рентабеллик нисбатан паст даражада эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, жумладан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Фонд биржаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қимматли қозғалар марказий депозитарийси, шунингдек, Жаҳон банки, Лондон фонд биржаси, Халқаро биржалар ассоциацияси каби халқаро ташкилотларнинг амалий маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган илмий-назарий хулоса, таклиф ва тавсияларни капитал бозори орқали иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишни ривожлантиришнинг назарий жиҳатларини такомиллаштириш, жалб қилинган инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда стратегик жиҳатдан капитал бозорини ривожлантиришга оид илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялар капитал бозори орқали иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб

чиқишда ҳамда олий таълим муассасаларида «Корпоратив молия», «Молия бозори», «Халқаро молия бозори», «Биржа иши», «Корпоратив молия ва қимматли қозғалар бозори» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Капитал бозори орқали иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикасини жадал ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлган хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш асосан маҳаллий капитал бозорида амалга ошириш, республикага хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда, чет элда листингни фақат кўшалок листинг (dual listing) билан руҳсат этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-6207-сон фармонида ўз аксини топган (Молия вазирлигининг 2021 йил 29 июндаги 07/45-46-02-46-02-03-32/1803 маълумотномаси). Натижада, мазкур таклиф асосида компанияларнинг бозорга киришга тайёрлиги, нарх-наво сиёсатини қўллаш орқали хусусийлаштириш учун энг яхши компанияларни танлаш, шунингдек, акцияларни оммавий таклиф қилишда ягона нархланиш каби ёндашувлар орқали амалга оширилган;

халқаро тажрибада муваффақиятли фаолият олиб бораётган биржавий инвестиция фондлари (Exchange traded funds) каби молиявий воситаларни олтинга боғлаш орқали (Gold ETF) жорий этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-6207-сон фармонида ўз аксини топган (Молия вазирлигининг 2021 йил 29 июндаги 07/45-46-02-46-02-03-32/1803 маълумотномаси). Натижада, юқоридаги таклифга асосан халқаро молия бозорлари билан фаол интеграциялашув ва хорижда муваффақиятли синовдан ўтган илгор ёндашувлардан фойдаланиш орқали эмитентлар сонини кўпайтириш, янги молиявий маҳсулотлар ва корпоратив бошқарув жараёни оптималлаштиришга эришилган;

фонд бозори иштирокчилари таркибини кенгайтириш ва республика иқтисодиётига бўш маблағларни жалб қилишга эришиш мақсадида корпоратив облигацияларни чиқариш учун таъминот талабини бекор қилишни жорий этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги «Капитал бозори орқали иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўллари» ПФ-6207-сон фармонида ўз аксини топган (Молия вазирлигининг 2021 йил 29 июндаги 07/45-46-02-46-02-03-32/1803 маълумотномаси). Натижада, Молия вазирлиги томонидан давлат қимматли қозғалари бўйича аукционлар ўтказиш графиги ишлаб чиқилиб Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республика Валюта Биржаси веб-сайтларида эълон қилинган;

замонавий молиявий инструментни амалиётга жорий этиш орқали давлат рўйхатидан ўтказилмайдиган биржавий облигациялар (commercial paper)

савдосини жорий этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги «Капитал бозорини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида» ПФ-6207-сон фармонида ўз аксини топган (Молия вазирлигининг 2021 йил 29 июндаги 07/45-46-02-46-02-03-32/1803 маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Қимматли қозғалар бозори тўғрисида»ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 15 июнда муҳокама қилинди. Ушбу қонун лойиҳасида «Қимматли қозғалар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасига «биржа облигацияси» тушунчаси киритилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар 6 та халқаро ҳамда 1 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган ҳамда ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқотнинг усуллари ҳамда улар асосида олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий этилиши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Капитал бозори орқали иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишнинг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобда иқтисодий тараккиётни таъминлашда капитал бозори ривожланишининг илмий-назарий асослари ва бозор муносабатларидаги роли, инвестициялар жалб қилиш ва асосий хусусиятлари, меъёрий-ҳуқуқий асослари тадқиқ қилинган. Тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда илмий хулосалар шакллантирилган.

Капитал бозори орқали иқтисодиётга инвестициялар жалб қилишни фаоллаштириш, давлат қарз капиталини самарали ташкил қилиш, ҳамда қимматли қогозлар бозорини ривожлантириш мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Капитал бозори назарияси тўғрисида мунозаралар, баҳслар ва қарашлар жуда кўп, аммо улар орасида Гаррецен, Ленсинк ва Стеркен иқтисодий ўсиш ва капитал бозор ривожланиши ўртасидаги боглиқлик муносабатлари юзасидан илмий изланишлар олиб борган ва иқтисодиётнинг 1 фоизга ўсиши капитал бозор капиталлашувининг ЯИМ нисбати 0,4 фоизга ўсишини аниқлаган⁶.

Германиялик иқтисодчи олимлар Л.Перридон ва М.Штайне компаниялар молияси номли илмий асарида капитал бозорига қуйидагича таъриф берадилар «Капитал бозори – бир йилдан ортиқ муддатга қимматли қогозлар савдосини ўтказувчи ташкиллаштирилган биржа савдоси»⁷. Россия Федерациясида молия бозори, қимматли қогозлар муомаласини тартибга солишнинг фундаментал асосларига доир кўплаб илмий асарлар муаллифи Р.Р.Рубцовнинг фикрига кўра, «Капитал бозори – пул капиталининг ҳаракатланиши билан боглиқ бўлган иқтисодий муносабатлар ва институтлар мажмуидир»⁸.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишни таъминлаш имконини берувчи, қўлланилаётган усуллар ва молиявий инструментларга мос равишда кредит ва қимматли қогозлар бозорини сегментлаш орқали капитал бозорининг институционал ва ташкилий тузилишига аниқлик киритиш зарур деб ҳисоблаймиз (1-расм).

⁶Гаррецен, Х.; Ленсинк, Р.; Стеркен, Е. (2004) Growth, financial development and legal institutions, Journal of International Financial Markets, 14, pages.165-183

⁷https://www.researchgate.net/publication/23743394_Corporate_Finance_in_Europe_from_1986_to_1996

⁸С.В. Брюховецкой, Б.Б. Рубцова. Финансовые рынки. Москва : КНОРУС, ISBN 978-5-406-06228-9



1-расм. Капитал бозори таркиби⁹

Маҳаллий олимлардан У.М.Алиев республикамызда инвестиция жозибадорлиги юқори бўлиши натижасида корпоратив облигацияларнинг бирламчи ва иккиламчи бозоридаги улиши ортиб боришини қайд этган. Юқорида келтирилган назарий қарашлардан хулоса қилиб шунини таъкидлаш мумкинки, фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштириш бир неча омилларни ўзида қамраб олиш орқали амалга оширилади. А.В. Ваҳобов асарида эса инвестиция ресурсларини самарали тақсимланишини назорат қилишнинг асосий механизми – бу фонд бозори биржаси эканлигини ва ривожланган фонд бозори ушбу моделни муваффақиятли амалга оширишнинг зарур шarti эканлигини таъкидлайди¹⁰. Демак, самарали ташкил қилинган фонд бозори иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш учун муҳим йўналиш бўлиши мумкин эканлиги илгари сурилади.

Халқаро амалиётда компания ўз фаолиятини такомиллаштириш учун нафақат мамлакат ҳудудидаги биржаларда балки, хорижий мамлакатлар фонд биржасида ҳам ўз қимматли қозғаларини эркин тарзда савдосини амалга оширилиши учун дуолистингдан фойдаланилади. Бунда компания ўз акцияларини бир вақтнинг ўзида бир неча фонд биржаларда қатнашиб қўшимча молиявий ресурслар жалб этиши мумкин. Дуолистинг рўйхатидан ўтиш учун фонд иккала биржанинг листинг талабларига жавоб бериши ва барча мажбуриятларни амалга ошириши керак. Қуйида дуолистинг афзалликлари ва камчиликларини келтириб ўтамиз (2-расм).

Капитал бозори иқтисодиётнинг реал секторидаги тенденцияларнинг ҳолати ва динамикасига бевосита боғлиқлиги ва ундан келиб чиқишига қараб, ривожланиш, ўсиш, барқарорлик, тургунлик каби босқичлари кузатилади. Ушбу қоида капитал бозорининг муҳим хусусиятларидан биридир. Бошқа томондан, капитал бозорининг турли сегментларида кўрсатилган босқичлар бир вақтнинг ўзида ва бир хил тарзда амалга ошмаслиги мумкин, яъни капитал бозорининг бир секторида пасайиш, иккинчисида ўсиш тенденцияси кузатилиши мумкин.

⁹ Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмалари асосида тайёрланди.

¹⁰ Ваҳобов А.В. ва бошқалар. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: “Молия” 2010. – 328 б.



2-расм. Дуолистинг афзалликлари ва камчиликлари¹¹

Ўз навбатида, қимматли қоғозлар бозорига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган тузилмалар – фонд биржалари, иқтисодиётнинг реал секторидаги ривожланмаган акциядорлик жамиятлари, инвестиция фондлари, ахборот агентликлари ва ҳисоб-китоб-клиринг ташкилотлари воситачилари ва қимматли қоғозлар эгалари – ҳали замонавий талабларга жавоб бермаётганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.



3-расм. Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг таркиби¹²

¹¹ Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмалари асосида тайёрланди.

¹² Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмалари асосида тайёрланди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, капитал бозори ва унинг сегментлари борасида билдирилган илмий-назарий қарашлар дунё олимлари томонидан турлича талқин қилинади. Бироқ унинг иқтисодий таракқиётига қўшадиган ижобий таъсири ҳақидаги қарашлар умумийдир.

Диссертациянинг «Ўзбекистон иқтисодиётига капитал бозори орқали инвестициялар жалб қилишнинг замонавий ҳолати ва ривожланиш тенденциялари» деб номланган иккинчи бобида иқтисодийда қарз капитали бозорини ривожлантиришнинг амалий ҳолати ва таҳлили ҳамда халқаро капитал бозоридан Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар жалб қилиш ва ривожланиш босқичларининг таҳлили ва ҳудудлар ҳамда иқтисодий тармоқларига қимматли қозғалар бозори орқали кириб келган инвестициялар оқимининг таҳлили амалга оширилган. Таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда илмий асосланган хулосалар шакллантирилган.

Қарз капитали бозори бир мунча рискли бўлишига қарамай, капитал маблағлари шакли ёки инвестиция манбаи сифатида кредит ресурслари ҳозирги кунда иқтисодий учун бирламчи аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, қарз капитали бозорининг ижобий ва салбий жиҳатларини, унинг имкониятлари ва унга таъсир кўрсатувчи таҳдидларни қуйидаги 4–расмда кўриб чиқамиз.



4-расм. Қарз капитали бозорининг SWOT таҳлили.¹³

¹³ Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмалари асосида тайёрланди.

Қарз капитали бозорида кредит ресурсларини таъминловчи асосий субъектлар асосан банк муассасалари, микромолиялаш ташкилотлари, сугурта компаниялари, пенсия ва махсус яратилган инвестиция фондлари, йирик хусусий капитал эгалари, халқаро молия институтлари ва хорижий давлатлар мисол бўлади. Шу нуқтаи назардан қарз капитали бозори кредит ресурслари эгалари ва уларнинг қарз олувчилари ўртасидаги муносабатларга хизмат қиладиган ва шу билан бирга субъектларнинг инвестиция фаолиятини самарали ташкил қиладиган иқтисодий муносабатларнинг асосий иштирокчиси ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, сўнгги йилларда иқтисодиётга жалб қилинган кредит ресурсларини таъминлаган субъектларнинг улушини кўриб чиқамиз.

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, банклар кредит капитали бозорида асосий кредит ресурсларининг таъминотчиси ҳисобланади.

1-жадвал.

Кредит капитали бозорида молия-кредит ташкилотларининг улуши¹⁴

| | 2015 | | 2016 | | 2017 | | 2018 | | 2019 | | 2020 | |
|---------------------------|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|
| | млн. сўм | % | млн. сўм | % | млн. сўм | % | млн. сўм | % | млн. сўм | % | млн. сўм | % |
| Жами | 4589,4 | 100 | 5421,2 | 100 | 11341,6 | 100 | 10130,0 | 100 | 8608,0 | 100 | 8741,3 | 100 |
| Банк кредитлари | 3957,2 | 86,2 | 4486,2 | 87,7 | 9350,0 | 89,5 | 8230,1 | 91,9 | 6913,0 | 90,3 | 6700,7 | 91,6 |
| Молия ташкилотлари | 632,2 | 13,8 | 935,0 | 12,3 | 1991,6 | 10,5 | 1899,9 | 8,1 | 1695,0 | 9,7 | 2040,6 | 8,4 |

Масалан, 2015 йилда банклар томонидан иқтисодиётга инвестиция қилинган кредитлар ҳажми умумий таркибда 86,2 фоиздан ошди. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики кейинги йилларда бу кўрсаткич аста-секин ўсиш тенденциясига эга ва 2020 йилда банклар томонидан тақдим этилган жами кредит ресурслардаги улуши 91,6 фоизни ташкил этган.

Биринчи жадвал маълумотларидан Ўзбекистон кредит капитали бозорида молия-кредит ташкилотларининг улуши йилдан йилга ижобий ўсиб бориш динамикасига эга эканлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бунда мамлакатимизда олиб борилаётган пул-кредит сиёсати, халқаро молия ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик ва албатта капитал бозорига оид давлат сиёсатининг юритилиши натижасида амалга ошмоқда.

Қуйидаги 2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон иқтисодиётида 2015 йил ва 2020 йилларда молия ва кредит ташкилотларининг инвестицион фаоллиги ўтган йилларга нисбатан ўсиши кузатилган. Масалан,

¹⁴ Марказий банк маълумотлари асосида муаллиф маълумотлари асосида тузилган.

2016 - 2017 йилларда кредит ресурсларига нисбатан ўсиш 14,03 фоиз - 15,4 фоизни ташкил этган. Банк сармоялари таркибидаги ўзгаришларнинг динамикаси ва тенденциялари тахминан бир хил характерга эга, шунинг учун юқоридаги натижа қарз бериш масалалари билан эмас, балки банкларнинг инвестиция фаоллигининг ўсиши билан изоҳланади ва молия-кредит ташкилотлари орасида фаол бўлган банклар ушбу соҳаларга инвестицияларнинг умумий ҳажмини белгилайдилар. Юқорида айтилганлардан фарқли ўлароқ, 2015 йил ва 2020 йилларда микрокредит ташкилотларнинг инвестиция фаолияти ўтган йиллар билан таққослаганда ижобий тенденциялар билан ажралиб турибди, яъни ўсиш суръатлари маълум даражада қайд этилган (мос равишда 96,7 фоиз ва 145,1 фоиз). Аммо шунинг таъкидлаш керакки, молия-кредит ташкилотларининг, умуман олганда, унинг алоҳида субъектларида ҳам инвестиция фаоллиги ҳали ҳам ниҳоятда паст ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг замонавий талабларига жавоб бермайди. Масалан, кредит операциялари таркибида молия-кредит ташкилотларининг инвестиция фаолиятининг улуши 2015 йилда 12,9 фоизни, 2017 йилда тахминан 15,4 фоизни, энг юқори даражаси эса 2020 йилда 27,9 фоизни ташкил этган. Худди шу кўриниш банклар ва микрокредит ташкилотлари фаолиятида ҳам кузатилмоқда.

2-жадвал.

Ўзбекистон иқтисодиётидаги молия-кредит ташкилотларининг инвестицион фаолияти¹⁵

| | Йил | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
|--|---------------------------------------|-------|-------|-------|--------|-------|-------|
| Инвестициялар, молиявий ва кредит ташкилотлари - жами | млрд. сўм | 593,8 | 813,5 | 1276 | 1604 | 2172 | 2427 |
| | ўтган йилга нисбатан (фоизда) | 115,8 | 135,9 | 121,5 | 181,1 | 135,4 | 141,7 |
| | кредит ресурсларига нисбатан (фоизда) | 12,9 | 14,03 | 15,4 | 16,3 | 25,5 | 27,9 |
| Банк инвестициялари | млрд. сўм | 557,6 | 176,4 | 147 | 1474 | 1988 | 2344 |
| | ўтган йилга нисбатан (фоизда) | 117,3 | 31,6 | 100,6 | 1002,7 | 134,8 | 117,9 |
| | кредит ресурсларига нисбатан (фоизда) | 14,09 | 16,05 | 17,5 | 18,1 | 29,1 | 35,4 |
| Микромолиялаш ташкилотларининг инвестициялари | млрд. сўм | 36,2 | 37,1 | 129 | 130 | 144 | 183 |
| | ўтган йилга нисбатан (фоизда) | 96,7 | 102,4 | 159,2 | 100,7 | 141,5 | 145,1 |
| | кредит ресурсларига нисбатан (фоизда) | 5,7 | 3,9 | 6,5 | 7,6 | 10,8 | 14,0 |

¹⁵ Марказий банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, капитал бозорининг таркибий қисмлари орасида қимматли қоғозлар бозори такрор ишлаб чиқариш жараёнида ва молиявий муносабатларни тартибга солишда алоҳида ўрин тутди. Айнан ушбу бозор жаҳоннинг йирик давлатлари иқтисодиётида ривожланиш барометри вазифасини бажаради. Ушбу позициядан Ўзбекистон, асосий мақсади ривожланган бозор муносабатларини шакллантириш ва очиқ иқтисодий сиёсат олиб борилиши туфайли мамлакатни янада жаҳон иқтисодий глобаллашув жараёнларга жалб қилиб, капитал бозори ривожланишини таъминлаш нуктаи назаридан олимлар ва соҳа мутахассисларини бу масалага алоҳида эътибор беришга чақириб келмоқда.

3-жадвал

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори таҳлили¹⁶

| Кўрсаткичлар | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 |
|---|--------|--------|--------|----------|--------|-------|
| Жами қимматли қоғозлар савдоси (трлн.сўм) | 1327,0 | 3508 | 14 460 | 22 247 | 10 710 | 40.6 |
| Уюшган бозор жами (млрд.сўм) | 100.2 | 170.2 | 310.7 | 304.5 | 814.5 | 490.8 |
| Уюшган бозор улуши (%) | 7.6 | 4.9 | 2.1 | 1.4 | 7.6 | 1.3 |
| Уюлмаган бозор жами (млрд.сўм) | 1226,8 | 3337,8 | 14 150 | 21 935,5 | 9895,5 | 37190 |
| Уюлмаган бозор улуши (%) | 92,4 | 95,1 | 97,9 | 98,6 | 92,4 | 98,7 |

Жадвал маълумотларига таянган ҳолда мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг ижобий ўсиш суръатлари қайд этилаётгани гувоҳи бўламиз. Бироқ, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан қимматли қоғозлар савдолари бир неча баробар пасайганини кўришимиз мумкин. Бу уюлмаган қимматли қоғозлар бозори динамикасида кузатилган пасайиш билан боғлиқ эканлигини изоҳлаш мумкин. Қимматли қоғозлар бозорида жами савдолар ҳажмида кузатилган пасайиш уюшган қимматли қоғозлар бозорида ўсиб бориш тенденцияси юқори даражада сақланиб турилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бундай юқори даражадаги ўсиш тенденциясига тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдорини 100 млрд. сўм этиб белгиланиши билан узвий боғлиқликда эканлиги билан асослашимиз мумкин.

3-жадвал маълумотлари асосида 2019 йилда қимматли қоғозлар бозорида тарихий энг юқори ўсиш кузатилгани қайд этилган. Яъни, 2019 йилда 40.6 трлн. сўм қийматдаги 3.5 млн. дона акциялар қуйида номлари келтирилган энг йирик ва бошқа иқтисодий субъектлар томонидан муомалага чиқарилиши ортидан эришилди¹⁷. Хусусан, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ 4 трлн сўм, “Худудий электр тармоқлари” АЖ 8.3 трлн сўм, “Деҳқонobod калий заводи” АЖ 691.5 млрд сўм, “Uzbekistan Airways” АЖ 4.3 трлн сўм, “Uzbekistan Airports” АЖ 5.8 трлн сўм, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ 2.5 трлн сўм, “Агробанк” АТБ 2.2 трлн сўм, “Ипотекабанк” АТИБ 1.4 трлн сўмни ташкил этди.

¹⁶ Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмалари асосида тайёрланди.

¹⁷ Объем выпуска акций в Узбекистане значительно вырос. 09.01.2020 - <https://uzdaily.uz/ru/post/48657>

Худудлар бўйича қимматли қозғалар бозори (ҚҚБ)нинг институционал таркибида институтлар концентрацияси энг юқори бўлган Тошкент шаҳри 1-чи ўринни эгаллаб турибди – 82,5 фоиз. Ундан кейинги ўринларни 5-7 фоиз оралигидаги ҳиссага эга бўлган вилоятлар гуруҳи – мос равишда Фарғона – 6,58 фоиз, Тошкент вилояти – 5,44 фоиз эгаллаб турган бўлса кейинги ўринларни Навоий – 2,61 фоиз, Сурхондарё – 1,2 фоиз – вилоятлари эгаллаган. Қолган вилоятларни охириги – институтлар концентрацияси ва фаоллиги суст бўлган гуруҳга киритиш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

2021 йил биринчи чорақда худудлар бўйича савдоларни амалга ошириш ҳолати¹⁸

| № | Худудлари номи | Битимлар миқдори, дона | Битимларнинг умумий ҳажми, минг сўм | Салмоғи |
|------------|-----------------|------------------------|-------------------------------------|-------------|
| 1. | Андижон | 1 275 | 394 922 254,79 | 0,58% |
| 2. | Бухоро | 62 | 111 555 534,01 | 0,16% |
| 3. | Тошкент шаҳри | 5 185 | 55 823 413 002,57 | 82,5% |
| 4. | Жиззах | 117 | 35 296 765,39 | 0,05% |
| 5. | Қашқадарё | 39 | 37 230 450,00 | 0,06% |
| 6. | Навоий | 1 599 | 1 766 595 543,44 | 2,61% |
| 7. | Наманган | 16 | 14 675 039,01 | 0,03% |
| 8. | Самарқанд | 1 | 504 000,00 | 0,01% |
| 9. | Сурхондарё | 7 | 854 752 600,00 | 1,2% |
| 10. | Сирдарё | 4 | 499 794 000,00 | 0,76% |
| 11. | Тошкент вилояти | 1 124 | 3 684 660 687,94 | 5,44% |
| 12. | Фарғона | 1 954 | 4 452 183 094,58 | 6,58% |
| 13. | Хоразм | 18 | 10 330 578,58 | 0,02% |
| 14. | Жами | 11 401 | 67 685 913 550,31 | 100% |


Худудлар кесимида ҚҚБнинг Тошкент шаҳри иқтисодиётидаги роли бошқа худудларга нисбатан жуда юқори. Бунга сабаб, жадвалда келтирилган барча кўрсаткичларнинг энг катта миқдори Тошкент шаҳрига тўғри келади. Чунки, миллий ҚҚБ институционал таркибидаги институтларнинг аксарияти Тошкент шаҳрида жамланган.

Умуман олганда, бошқа худудлар ҚҚБ имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаяпти ва бу ўз ўрнида худудлар иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Яъни, фонд бозорида худудлараро дисбаланс мавжуд бўлиб, бундай ҳолат худудий иқтисодиёт характериға мос ва иқтисодиётда капитал бозори имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганини англатади.

Юқоридаги 4-жадвалда келтирилган маълумотлардан хулоса шуки, мамлакатимизда капитал бозори иқтисодиётнинг чин маънодаги драйвери бўлиб хизмат қилмаяпти.

¹⁸ “Тошкент” РФБнинг 2021 йил биринчи чорақ статистик маълумотлари асосида тузилган.

Биржа савдоси амалиётига кўра банкларнинг етакчилиги биржа листингига киритилган, қимматли қогозларнинг ликвидлиги юқори бўлган банклардан иборат эканлиги билан асосланади (5-расм).



5-расм. ҚҚБ фаоллигининг тармоқлар тақсимоти 2020 йил, фоизда¹⁹

Қўйилган саволларнинг иккинчи қисмига жавоб тариқасида тармоқлар кесимидаги статистик маълумотлари асосида таҳлил қилинган 5-расм кўрсаткичларини келтириш мумкин. Ушбу маълумотлар ва кўрсаткичлар таҳлили қуйидагиларни кўрсатади.

Қимматли қогозлар савдо тизими акциялари айланмаси бўйича амалга оширилган умумий битимларнинг 24,6 фоизга тенг бўлган қисми саноат корхоналари (тармоги) ҳиссасига тўғри келади.

Етакчи учликка биржавий қимматли қогозлар савдо айланмасининг 5,3 фоизни ташкил қилувчи агросаноат комплекси корхоналари ҳам киради. Ушбу кўрсаткич бўйича энг кам улуш транспорт – 1,6 фоиз ва алоқа – 1,4 фоиз тармоқлари ҳиссасига тегишлидир.

Қимматли қогозлар иккиламчи савдосининг энг катта улуши саноат тармогига – 33,5 фоиз тегишли бўлса, кейинги ўринларда банклар – 30,7 фоиз, сугурта – 10,2 фоиз, агросаноат – 8,7 фоиз ва қурилиш – 7,2 фоиз эгаллаб

¹⁹Манба: Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси ва “Тошкент” РФБ маълумотлари асосида ҳисоблаб топилган.

туришибди. Ушбу кўрсаткич бўйича энг кам улуш аввалгидек транспорт – 0,7 фоиз ва алоқа – 0,4 фоиз тармоқларига тегишлидир.

Агарда банклар, сугурта ва лизингни барчасини молиявий хизмат соҳалари деб оладиган бўлсак, ушбу соҳа – 43,2 фоиз билан етакчиликни сақлаб турибди. Бу эса қимматли қозғоларнинг иккиламчи савдоси умумий айланмасининг деярли ярми молия-кредит соҳасига тегишли ташкилотлар орқали амалга оширилганлигини билдиради.

Диссертациянинг «**Миллий иқтисодиётга капитал бозори орқали инвестицияларни жалб этишни ривожлантириш истиқболлари**» деб номланган учинчи бобида иқтисодиётга қимматли қозғолар орқали инвестицияларни жалб қилишдаги мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари ва капитал бозори орқали миллий иқтисодиётга жалб этиладиган инвестицияларни ошириш йўналишларига доир тадқиқотлар олиб борилган.

